



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРДА МУТЛАҚО ЯНГИ, ТАРИХИЙ БОСҚИЧНИ БОШЛАБ БЕРАЁТГАН СИЁСИЙ ВОҚЕА

4 апрель куни Самарқанд шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити бўлиб ўтди.



MARKAZIY OSIYO – YEVROPA ITTIFOQI
BIRINCHI SAMMITI
“Kelajakka investitsiyalar”
Samarqand, 2025-yil 4-aprel



FIRST CENTRAL ASIA – EUROPEAN UNION
SUMMIT
“Investing in the Future”
Samarkand, 4 April 2025

“Келажакка инвестициялар” шиори остида ўтган тадбирда Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта, Европа комиссияси Президенти Урсула фон

дер Ляйен, Қозғоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садр Жапаров, Тожикистон Республикаси

Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль

Рено-Бассо ҳамда Европа инвестиция банки раҳбарияти иштирок этди. Кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи

ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

Инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ва товар айирбошлашни кўпайтириш, инновациялар, “яшил” энергетика, тоғ-кон, қишлоқ хўжалиги, транспорт, логистика ва рақамлаштириш соҳаларида қўшма дастур ва кооперация лойиҳаларини илгари суриш, маданият, туризм, фан, таълим ва бошқа устувор йўналишларда фаол алмашинувларни давом эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари тадбирни очар экан, Марказий Осиё ва Европа ўртасидаги чуқур тарихий илдизларга эга муносабатлар жадал ривожланиб, мустақамланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Саммит арафасида бўлиб ўтган конструктив ва самарали учрашувлар икки минтақа манфаатлари йўлида шериклик ва амалий ҳамкорликни чуқурлаштиришга бўлган сиёсий ирода ва қатъиятни намоён этди.

Президентимиз Европа Иттифоқининг асосий сиёсий ва иқтисодий институтлари раҳбарларига Марказий Осиёда интеграция ва барқарор тараққиёт жараёнларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, умумий сиёсий ирода туфайли Марказий Осиёдаги чуқур трансформация жараёнлари барқарор ва орта қайтмас тус олди. Ишонч ва яхши қўшничилик мустақамланмоқда, кенг қўламли ҳамкорлик ва кооперация алоқалари кенгаймоқда.

Самарқанд саммити — Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларда мутлақо янги, тарихий босқични бошлаб бераётган сиёсий воқеадир. Илк бор Европа

Иттифоқи ва Марказий Осиёнинг барча давлатлари раҳбарлари битта даврада, битта форматда йиғилиб, муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш масаласида қатъий сиёсий иродани намоён этмоқда.

Ушбу саммитнинг аҳамиятини тўлиқ англаш учун сўнгги йиллардаги муносабатларнинг эволюциясига назар ташлашнинг ўзи kifоя.

Биринчидан, Марказий Осиёдаги сиёсий ва ижтимоий муҳит тубдан ўзгарди. Яқин қўшничилик, биродарлик ва халқлараро муносабатлар янги, ижобий мазмун билан бойиди. Бу ўзгаришлар натижасида минтақада бирдамлик руҳи кучайиб, халқаро майдондаги нуфузи орди, дунё ҳамжамияти эътиборини тортиди ва турли глобал ҳамда минтақавий субъектлар билан самарали ҳамкорлик имкониятлари кенгайди.

Айни пайтда Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқаларда жиддий сифат ўзгаришлари кузатилмоқда. — Бундан етти-саккиз йил аввал бунинг учун ҳагто шароит ҳам йўқ эди. Баъзи мамлакатлар ўртасидаги чегаралар ёпиқ эди. На савдо, на транзит, на бизнес, ҳеч қандай гуманитар алмашувлар йўқ эди. Муносабатлар шунчаки музлатиб қўйилганди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу йил сентябрь ойида Тошкентда минтақадаги давлат раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви ўтказилди. Бу ҳамкорлик формати умумий кун тартибидagi барча долзарб вазифаларни очиқ ва конструктив ҳал қилишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон етакчиси кўни кеча тарихий воқеа — Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги Давлат чегарасини делимитация қилиш масалалари тўлиқ тартибга солингани ва келишувлар имзоланганини алоҳида қайд этди.

► Давоми 2-бетда

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК УЧУН МИНТАҚАВИЙ БИРДАМЛИК МУСТАҚАМЛАНАДИ

4 апрель куни “Буюк ипак йўли” халқаро туризм мажмуасидаги конгресс марказида биринчи Самарқанд халқаро иқлим форуми ўз ишини бошлади.

Форумнинг ялпи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта, Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен, Қозғоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садр Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Европа тикланиш ва тараққиёт банки раҳбари Одиль Рено-Бассо, Европа иқтисодий комиссияси ижрочи котиби Татьяна Молчан, Аҳоли пунктлари бўйича дастур ижрочи директори Анаукладия Россбах, Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси

ижрочи котиби Иброҳим Тиав ва бошқалар иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари орасида 2 мингдан ортиқ хорижий меҳмонлар, жумладан, миллий ва глобал экологик ташкилотлар, халқаро тузилмалар раҳбарлари, экспертлар, олимлар ва журналистлар, бизнес вакиллари бор.

“Марказий Осиё глобал иқлим муаммоларига дуч келмоқда: барқарор ривожланиш ва фаровонлик учун минтақавий бирдамликни мустақамлаш” мавзусидаги форум кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё олдида турган долзарб иқлим муаммолари муҳокама қилинди, экологик барқарорлик, “яшил” иқтисодий тараққиёт ва иқлим ўзгаришига қарши курашишда

минтақавий ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш форум иштирокчиларига видеомурожаат йўллади.

Ялпи сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нуқт сўзлади.

Давлатимиз раҳбари нутқининг аввалида форумнинг халқаро миқёси ва иштирокчиларнинг нуфузи жаҳон ҳамжамияти барқарор тараққиётнинг энг долзарб масалаларига самарали ечим излашда биргаликда саъй-ҳаракатлар олиб боришга содиқлиги намунаси эканини таъкидлади.

► Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING “MARKAZIY OSIYO — YEVROPA ITTIFOQI” BIRINCHI SAMMITIDAGI NUTQI

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Хурматли хонимлар ва жаноблар! Сизларни “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитида қўлтиладан гоёт мамнунман.

Европа Кенгаши Президенти Антониу Кошта Жаноби Олийларига, Европа Комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен Хоним Олияларига, менинг барча ҳамкасбларим — минтақа мамлакатлари етакчиларига саммитни айнан шу заминда, қадимий Самарқанд шаҳрида ўтказиш борасидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганлари учун миннатдорлик билдираман.

Кўп асрлар давомида Буюк Ипак йўлининг асосий йўллари чорраҳасида жойлашган ушбу шонли шаҳар цивилизациялар мулоқоти ҳамда Шарқ ва Ғарб ўртасидаги дипломатия, савдо ва маданий алмашувларнинг муҳим маркази бўлган.

Бу ҳақда қўллаб тарихий далиллар мавжуд. Масалан, Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Темур бундан олти асрдан зиёд вақт олдин айнан шу заминда туриб эркин ва хавфсиз савдонинг таъминлаш мақсадида Европа ҳукмдорлари билан фаол мулоқотларни йўлга қўйган.

Бизнинг Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа буюк аллома ва мутафаккирларимиз жаҳон, жумладан, Европа илм-фани ва фалсафаси ривожига беқисс ҳисса қўшганини албатта қайд этмасдан ўтолмаймиз.

Бугун мен мамнуният билан таъкидлашни истардимки, бизнинг чуқур тарихий илдизларга эга бўлган муносабатларимиз ҳозирги замон шароитида жадал ривожланмоқда ва мустақамланмоқда.

► Давоми 2-бетда

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 апрель куни Самарқанд иқлим форуми доирасида БМТ тузилмалари ва бир қатор халқаро ташкилотлар раҳбарларини қабул қилди.

БМТ Бош котиби ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси ижрочи котиби Татьяна Молчан давлатимиз раҳбарига БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг саломи ва самимий тилақларини етказди.

Шавкат Мирзиёев комиссиянинг 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги муҳим ўрнини, шунингдек, транспорт, инновациялар, тўқимачилик, энергетика, экология ва гендер тенглик соҳаларида, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши масалаларида кўрсатилган экспертлик кўмагини алоҳида қайд этди.

Минтақавий ва мамлакат миқёсидаги лойиҳаларни амалга ошириш,

шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йил ноябрь ойида Боку шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастури (СПЕКА) биринчи саммитида билдирилган ташаббусларни амалий илгари суриш жиҳатлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон томонининг таклифига биноан СПЕКАнинг 2030 йилгача ривожланиш концепцияси қабул қилингани, ЕИК билан савдо тартиб-таомилларини содда-лаштириш бўйича “йўл харитаси” имзолангани, Транскаспий йўлаги доирасида рақамлаштириш ва ҳужжатлар алмашинуви бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил

амалга ошириладигани мамнуният билан қайд этилди.

Йил бошида комиссия кўмагида Ўзбекистон Аҳолининг экология ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотдан фойдаланиш тўғрисидаги Орхус конвенциясига қўшилди.

Ҳаво конвенцияси ва Саноат аварияларининг трансчегаравий таъсири тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш масаласи ишлаб чиқилмоқда.

СПЕКА дастурининг Мақсадли жамғармасини тез фурсатда ишга тушириш муҳим экани таъкидланди.

► Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SHAVKAT MIRZIYEVNING SAMARQAND XALQARO IQLIM FORUMIDAGI NUTQI

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Хурматли форум иштирокчилари! Хонимлар ва жаноблар!

Барчангизни бугунги даврдаги асосий таҳдид — глобал иқлим ўзгаришларига багишланган конференциямизда чин юракдан қўлтиладан.

Хурматли ҳамкасбларим — Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари етакчилари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотлар вакилларига ушбу тадбирда иштирок этаётгани учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Сизларнинг форумдаги иштирокингиз барқарор ривожланишнинг энг долзарб масалалари бўйича самарали ечимлар излашда биргаликда саъй-ҳаракатлар олиб боришга содиқлик намунаси.

Ишончим комил, бу заминда, асрлар давомида янги гоё ва билмилар яратилган, ишонч ва бунёдкор шериклик марказларидан бири бўлган қадимий Самарқандда биз иқлим соҳасидаги замонавий таҳдидларга қарши курашиш бўйича биргаликда ташкирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқа оламиз.

Ўзбекистонга хуш келибсиз! Самарқандга хуш келибсиз!

Хурматли форум иштирокчилари! Ўтган йили сайёрамизда ўртача ҳаво ҳарорати биринчи марта Цельсий шкаласи бўйича бир ярим даражадан юқорироқ кўтарилди. Сўнгги ўн йиллик бутун метеокузатувлар тарихидаги энг иссиқ давр бўлди. Бунинг оқибатида бугун биз барчамиз иқлим инқирозларининг салбий таъсиридан — ўрмон ёнғинлари ва чўлланиш миқёси ортиб бораётгани, музликлар қисқараётгани, сув ресурслари тақчиллиги кучаяётгани, ҳаво сифати ёмонлашаётганини ҳис қилиб турибмиз.

Таъкидлаб айтман, **атроф-муҳитни асраб-авайлашда масъулият барчамизнинг зиммасида. Бу кун тартибимиздаги энг муҳим масаладир.**

Марказий Осиё мамлакатлари томонидан иқлим ўзгаришларига мослашиш бўйича стратегия ишлаб чиқилгани ва бир овоздан маъқулланганини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон минтақадаги барча шериклар билан умумий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича яқиндан ишлаш ниятидадир.

Биз, шунингдек, Европа томони билан Орол денгизи қуриши оқибатларини юмшатиш, сувдан оқилонга фойдаланиш, “тоза” энергия манбаларини кенгайтириш дастурлари доирасида муваффақиятли ҳамкорлик қиламиз. Бундай шериклик Марказий Осиёда барқарор “яшил” ривожланишга муҳим ҳисса қўшади.

► Давоми 3-бетда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ САМАРҚАНД ХАЛҚАРО ИҚЛИМ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Хеч шубҳасиз, бугунги кунда Европа Иттифоқи иқлим ўзгаришларига қарши курашиш масалаларини илгари суриш ва ҳимоя қилишда глобал етакчидир. Биз келгусида ҳам бу соҳадаги амалий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга тайёرمиз.

Хурматли хонимлар ва жаноблар! Иқлим ўзгариши муаммолари озиқ-овқат ва энергия хавфсизлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Минтақа аҳолиси 25 йилдан сўнг 100 миллион кишидан ортиши кутулаётган бир вақтда унумли ерлар тез суръатлар билан қисқариб бормоқда.

Бугунги кунда минтақадаги умумий ер майдонининг 20 фоиздан ортиги деградацияга учраган. Чорак асрдан кейин ҳосилдорлик учдан бир қисмга камайиб кетиши мумкин.

Шу муносабат билан, ўрмон хўжалиги ва аграр соҳанинг мослашувчанлигини ошириш, шунингдек, “Уфқ — Европа” дастури доирасида озиқ-овқат хавфсизлигини мустақамлаш учун илмий салоҳиятимизни бирлаштириш ҳаётий муҳим масала, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон деградацияга учраган ер майдонларини қисқартириш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш мақсадида “Яшил макон” лойиҳаси доирасида кенг кўламли кўламзорлаштириш ишларини олиб бормоқда. Бундан ташқари, Оролбўйининг 2 миллион гектардан ортиқ чўл худудларида қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар экилди.

Хар йили Наврўз байрами арафасида дарахт экиш бўйича “Марказий Осиёнинг яшил белбоғи” минтақавий акциясини ўтказишни тақдир этаман.

Аминманки, унинг ташкил этилиши бизнинг эзгу аниъанамизга ва табиий офатларга қарши курашдаги бирлигимиз тизмоларига айланади.

Хурматли форум иштирокчилари! Ўзбекистон иқтисодий тараққиётнинг ресурсларни тежайдиган ва экологик тоза моделига ўтишни бошлади.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

БМТ Бош қотиби ўринбосари, БМТнинг аҳоли пунктлари бўйича дастури (БМТ-Хабитат) ижрочи директори Анаклаудия Россбах билан учрашув чоғида ушбу нуфузли институт билан шаҳарларни барқарор ривожлантириш, инфратузилмани модернизация қилиш ва аҳоли турмуш сифатини ошириш борасида кўп қиррали шерикликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

БМТнинг юқори даражали вакили мамлакатимизда “ақли” ва “яшил” шаҳарларни барқарор ривожлантириш, аҳоли учун қулай муҳит яратишга қаратилган урбанизация соҳасидаги ислохотларни ижобий баҳолади.

Шаҳарларни бошқаришга замонавий рақамли ечимларни жорий қилиш, “яшил” қурилиш стандартларини ишлаб чиқиш, шаҳар муҳитида иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича махсус дастурни ишга тушириш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистонда Бутунжапон тозалик кунини ўтказиш ва Тошкентда ташкилот офисини очиш масалалари кўриб чиқилди. Амалий ҳамкорлик йўналишлари бўйича “Йўл харитаси”ни қабул қилишга келишиб олинди.

БМТ Бош қотибининг ўринбосари, Чўлланишга қарши курашиш конвенцияси ижрочи қотиби Иброҳим Тиав билан учрашувда мамлакатимиз ва минтақамизда чўлланиш, ерлар деградациясига қарши курашиш соҳасида БМТнинг ушбу нуфузли тузилмаси билан ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

БМТ вакили Ўзбекистон раҳбарининг форумдаги нутқини юқори баҳолаб, иқлим таҳдидларига қарши курашиш бўйича илгари сурилган ташаббусларнинг долзарблиги

Бу борадаги энг муҳим йўналишлардан бири — “яшил” энергетикадир. Яқин беш йилда қайта тикланадиган манбалардан олинадиган энергия улушини 54 фоизга етказишни мўлжаллаяпмиз. Бу атмосферага чиқарилаётган зарarli газлар миқдорини 16 миллион тоннага қисқартириш имконини беради.

Биз Ўзбекистоннинг Париж битими доирасида буг газлари чиқариши 35 фоизга камайиши бўйича олган мажбуриятини муддатидан олдин бажариш учун барча саъй-ҳаракатларимизни ишга солишимизни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Шу билан бирга, биз бу маррада тўхтаб қолмоқчи эмасмиз.

Молиялаштириш, технологиялар ва компетенцияларни сафарбар қилиш мақсадида Тошкент шаҳрида Европа Иттифоқининг “Суь — Энергия — Иқлим ўзгариши” деб номланган ташаббуснинг қотибиятини ташкил қилишни тақдир этамиз.

Бундан ташқари, умумий стратегик вазифаларни амалга ошириш доирасида мазкур форумда минтақанинг “яшил” тараққиёт концепцияси тақдим этилади. Ишонаманки, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши Марказий Осиёнинг экологик йўналтирилган тараққиёти учун мустақам пойдевор яратяди.

Хурматли делегациялар аъзолари! Таҳлилларга кўра, Амударё ва Сирдарёда сув оқими камайиши натижасида 2040 йилга бориб Марказий Осиё мамлакатлари юқори даражадаги сув тақчиллигига дуч келади.

Биз аллақачон инсониятнинг энг йирик фожиаларидан бири — Орол денгизи қуриши оқибатларини бошдан кечирмоқдамиз.

Биз сув ресурсларини тежай мақсадида ирригация тизимларини бетонлаштиряпмиз. Сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқариш бўйича санаот базасини яратдик, сугориладиган ерларнинг деярли ярмида ана шундай технологияларни жорий этдик. (Бу салкам икки

миллион гектар ер майдони демакдир). Бундай чора-тадбирлар натижасида ўтган йили 8 миллиард куб метр сувни тежайшга муваффақ бўлдик.

Марказий Осиёда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва бу соҳада минтақавий дастурни ишга туширишга ҳақиқамиз.

Бу режаларнинг барчасини экспертлар мутокамасидан ўтказиш учун Оролбўйини муҳтақамлаш халқаро форум ўтказишни мақсад қилганмиз.

Шунингдек, музликларнинг ҳолати ва минтақадаги тоғ экотизимларида юзга келиши мумкин бўлган хавф-хатарларини олдиндан баҳолаш учун сунъий йўлдош орқали узлуксиз кузатувларни йўлга қўйиш бўйича “Коперник” дастури доирасида Европа Иттифоқи билан яқин ҳамкорликка умид қиламиз.

Тошкентдаги “Яшил университет” базасида яратилган Иқлим резиденцияси Марказий Осиёда кечаётган иқлим жараёнларини ўрганиш ва мониторинг қилиш бўйича умумий илмий-экспертлик платформаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бундан ташқари, эртага Нукус шаҳрида минтақамизнинг экологик муаммоларига санъат соҳасидаги лойиҳалар орқали эътиборни жалб этишга қаратилган Орол маданият саммити ўз ишини бошлайди.

Қадрли дўстлар!

Сўзимнинг ниҳоясида “Биз Ерни аждодларимиздан мерос сифатида эмас, балки фарзандларимиздан қарзга олганмиз”, деган машҳур ҳикмати иборани эслаб ўтишни истар эдим. Бугунги кунда бизнинг вазифамиз — келажак авлодлар барқарор, хавфсиз ва фаровон дунёда яшаш учун барча чора-тадбирларни кўришдан иборат.

Бунинг учун мулоқотларни мустақамлаш, умумий эзгу мақсадлар йўлида бирлашган барча давлатларнинг саъй-ҳаракатларини уйғунлаштириш зарур.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Бошланиши 1-бетда

Ўтган йили дунёда илк бор ўртача ҳарорат Цельсий шкаласи бўйича бир ярим даражадан юқорироқ кўтарилгани қайд этилди. Сўнгги ўн йиллик метеокузатувлар тарихида энг иссиқ бўлди.

— Бунинг оқибатида бугун биз барчамиз иқлим инқирозларининг салбий таъсирлари — ўрмон ёнғинлари ва чўлланиш миқёси ортиб бораётгани, музликлар қисқараётгани, сув ресурслари тақчиллиги кучаяётгани, ҳаво сифати ёмонлаётганини ҳис қилиб турибмиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Минтақа мамлакатлари томонидан Марказий Осиёда иқлим ўзгаришига мослашиш стратегияси ишлаб чиқилди ва бир овоздан маъқуланди.

Орол денгизи қуришининг оқибатларини юмшатиш, сувдан оқилона фойдаланиш, “тоза” энергия манбаларини кенгайтириш дастури доирасида европалик шериклар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилинаётгани таъкидланди. Бундай шериклик Марказий Осиёнинг барқарор “яшил” тараққиётига муҳим ҳисса қўшяди.

Шу маънода, иқлим ўзгаришини ҳимоя қилиш ва унга қарши курашиш масалаларини илгари суришда глобал етакчи бўлган Евроиттифоқ билан амалий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришдан маънафатдорлик билдирилди.

Иқлим ўзгариши муаммолари озиқ-овқат ва энергия хавфсизлиги билан узвий боғлиқ экани алоҳида таъкидланди.

Унуқдор ерлар кескин камайиб бормоқда, бугунги кунда минтақадаги жами ер майдонининг 20 фоиздан ортиги деградацияга учраган. Чорак асрдан сўнг ҳосилдорлик учдан бир қисмга камайиши мумкин.

— Шу муносабат билан, ўрмон хўжалиги ва аграр соҳанинг мослашувчанлигини ошириш, шунингдек, “Уфқ — Европа” дастури доирасида озиқ-овқат хавфсизлигини мустақамлаш учун илмий салоҳиятимизни бирлаштириш ҳаётий муҳим масала, деб ҳисоблайман, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Президентимиз Ўзбекистонда деградацияга учраган ер майдонларини қисқартириш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумот берди. “Яшил макон” дастури доирасида кенг кўламли кўламзорлаштириш ишлари амалга оширилоқда. Бундан ташқари, Оролбўйининг 2 миллион гектардан ортиқ чўл худудларида қурғоқчиликка чидамли ўсимликлар экилган.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК УЧУН МИНТАҚАВИЙ БИРЛАШТИРИВЧИ МУСТАҚАМЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда

Хар йили Наврўз байрами арафасида “Марказий Осиёнинг яшил белбоғи” дарахт экиш минтақавий акциясини ўтказиш тақдир қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев иқтисодиётни ривожлантиришнинг ресурсларни тежайдиган ва экологик тоза моделига ўтиш масаласига ҳам эътибор қаратди.

Бу соҳадаги асосий йўналишлардан бири — “яшил” энергетика.

Келгуси беш йилда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказиш режалаштирилган бўлиб, бу иссиқхона газлари чиқиндилари ҳажмини қарийб 16 миллион тоннага камайиши имконини беради.

— Биз Ўзбекистоннинг Париж битими доирасида буг газлари чиқариши 35 фоизга камайиши бўйича олган мажбуриятини муддатидан олдин бажариш учун барча саъй-ҳаракатларимизни ишга солишимизни таъкидлаб ўтмоқчиман, — деди давлатимиз раҳбари.

Ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг давомий сифатида молиялаштириш, технологиялар ва ваколатларни сафарбар қилиш учун Тошкент шаҳрида Европа Иттифоқининг “Суь — Энергия — Иқлим ўзгариши” деб номланган ташаббуснинг қотибиятини ташкил этиш тақдир қилинди.

Бугунги форумда тақдим этиладиган Минтақанинг “Яшил” тараққиёт концепцияси алоҳида қайд этилди.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига тўхталар экан, Ўзбекистон Президенти 2040 йилга бориб Марказий Осиё мамлакатлари Амударё ва Сирдарё оқимининг камайиши таъсирида юқори даражадаги сув тақчиллигига дуч келишини маълум қилди.

Сув ресурсларини тежай мақсадида ирригация тармоқларини бетонлаш ишлари олиб борилаётгани, сувни тежайдиган технологияларни ишлаб чиқариш бўйича санаот базаси яратилаётгани, улар сугориладиган ерларимизнинг деярли ярмида, яъни қарийб 2 миллион гектарда жорий этилгани таъкидланди. Бундай чора-тадбирлар натижасида ўтган йили қарийб 8 миллиард куб метр сув иқтисод қилинди.

— Марказий Осиёда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва бу соҳада минтақавий дастурни ишга туширишга ҳақиқамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу масалаларнинг барчасини экспертлар даражасида муҳокама қилиш учун Оролбўйини минтақасида сувни тежайдиган

технологиялар бўйича халқаро форум ўтказиш режалаштирилган.

Шунингдек, музликлар ҳолатини узлуксиз сунъий йўлдош орқали кузатиш ва минтақанинг тоғ экотизимлари учун хавфларини эрта аниқлаш бўйича “Коперник” дастури доирасида Европа Иттифоқи билан яқиндан ҳамкорлик қилишдан маънафатдорлик билдирилди.

Тошкентдаги “Яшил университет” негизида ташкил этилган Иқлим резиденцияси Марказий Осиёдаги иқлим жараёнларини ўрганиш ва мониторинг қилиш бўйича умумий илмий-эксперт платформа вазифасини бажариши мумкин.

Шу билан бирга, 5 апрель кунини Нукусда минтақамизнинг экологик муаммоларига санъат лойиҳалари орқали эътибор тортишга қаратилган Орол маданият саммити ўз ишини бошлайди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари “келажак авлодлар барқарор, хавфсиз ва фаровон дунёда яшаш учун барча чора-тадбирларни кўриш” умумий мақсад эканини яна бир бор эслатди.

— Бунинг учун мулоқотларни мустақамлаш, умумий эзгу мақсадлар йўлида бирлашган барча давлатларнинг саъй-ҳаракатларини уйғунлаштириш зарур, — деди Ўзбекистон Президенти.

Форумда Марказий Осиё давлатлари президентлари ва Европа Иттифоқи асосий институтлари раҳбарлари сўзга чиқиб, мавзу юзасидан ўз фикрлари, тақдирларини билдирди.

Яқин мажлисдан сўнг форум сессияларда ўз ишини давом эттирди.

Марказий Осиё ва Европа иттифоқи етакчилиги билан бирга Орол маданият саммити экспозициясига ташир буюрди.

Кўргазмада Орол экотизимини тиклаш, ҳудуднинг маданий меросини асраб-авайлаш ва барқарор ривожланишига кўмаклашишга қаратилган небул ташаббуслар намойиш этилди. Бу ерда вазел, сенсор ва интерфаол воситалар орқали Оролбўйининг табиий ва маданий бойлиги билан танишиш мумкин.

Кўргазмадан мезморчилик ва ландшафт фотографиясига ихтисослашган машҳур фотосуратчи Иван Баанинг асарлари, Қорақалпоғистон учун хос ўсимлик ҳисобланган қамишдан яратилган флористик композиция, шунингдек, Оролбўйининг аниъанавий махсулотлари — саксувал уруғи, чиганоқлар, табиий туз, қурилган исирик, нақшли намет ва бошқа кўплаб экспонатлар ўрин олган.

ЎЗА

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ БЎЙИЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИВЧИ ПЛАТФОРМА

Самарқанд саммити тарихий аҳамиятга эга. Боиси, Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи етакчиларини бир манзилда жамлаган халқаро саммитда глобал беқарорлик, иқтисодий инқироз ва иқлим ўзгариши таҳдидлари кузатилаётган бир шароитда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, ушбу муаммоларга самарали ечим топиш орқали фаровонликка эришиш йўллари изланди.

Европаликлар билан фаол ҳамкорлик натижасида минтақаларимиз ўртасида савдо ва инвестиция алоқалари изчил ривожланмоқда. Натижада Марказий Осиё мамлакатларининг ЕИ билан савдо айланмаси тўрт баробар ошган.

“Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматадаги саммит қўшма ва институционал қамрови жиҳатидан ўзига хос платформа. 27 давлатни бирлаштирган ЕИ Марказий Осиё билан минтақалараро даражада тизимли ҳамкорликни

кучайтирмоқчи. Демак, Самарқанд саммити минтақалараро стратегик шерикликни йўлга қўйиш ва ўзаро боғлиқликни ривожлантиришда муҳим мулоқот майдони бўлди.

Марказий Осиёда энергия ресурслари юқори ва “яшил” энергетикани ривожлантириш бўйича улкан салоҳиятга эга минтақалардан бири сифатида қаралади. Шундай экан, Европанинг энергетика барқарорлигини таъминлашда минтақамиз муҳим аҳамиятга эга. Каспий ва Қора денгиз остидан кабель тортиш орқали “яшил стратегик

йўлак” барпо этиб, Марказий Осиёдан Европага “яшил” энергия экспорт қилиш мўлжалланаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Ушбу лойиҳа ўзаро маънафатли энергетик боғлиқликнинг мустақам асосини яратяди.

Айни мақсадда Самарқанд саммитида Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида “Яшил ҳамкорлик” платформасини яратиш ташаббус илгари сурилди. Мазкур платформа қайта тикланадиган энергия манбалари, экотизимларни тиклаш ва иқлим ўзгаришининг рақамли мониторингини соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштириш бўйича саъй-ҳаракатларини бирлаштирилади.

**Анвар МИРКОМИЛОВ,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази бўлим бошлиғи**

КАТТА ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАР МАЙДОНИ

Олти асрдан ортиқ вақт илгари Соҳибқирон Амир Темур бевосита Самарқандда туриб, Европа монархлари билан эркин ва хавфсиз савдони таъминлаш мақсадида фаол алоқалар ўрнатган эди. Орадан шунча муддат ўтиб, янги Ўзбекистон даврида яна икки минтақа алоқаларни қайта жадал ривожлантирмоқда.

“Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитида минтақаларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ва амалий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилиниб, муҳим келишувларга эришилди.

Марказий Осиё ҳозир 80 миллион киши яшайдиган, 450 миллиард доллар қийматидаги яқин ички маҳсулотга эга худуд. Бу ерда 30 миллиард баррел нефть ёки бўлма, 20 триллион куб метр газ захираси, 4 минг гигаваат қуёш, 350 гигаваат шамол энергияси ишлаб чиқариш имконияти

мавжуд. Нодир минераллар етакчи берувчи энг катта 20 давлатнинг асосийлари ҳам Марказий Осиёда жойлашган.

Европа Иттифоқи эса биз учун 500 миллион одам яшайдиган, 19 триллион евролик яқин ички маҳсулотга эга катта бозор. Ўзаро ҳамкорлик ривожини бизга эуда катта иқтисодий имкониятлар тақдим этади. Президентимиз таъбири билан айтганда, биз ЕИ бозорига юқори сифатли, экологик тоза ва минтақа стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни кўпроқ етказиб беришга тайёرمиз. Бугун самарали транспорт-логис-

тика йўлакларини ривожлантириш аҳамияти ортиб бормоқда. Марказий Осиё Европа билан Осиё ўртасидаги шунчаки кўприк эмас, балки глобал иқтисодий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида бир қатор ташаббусларни илгари сурди. Аввало, сиёсий мулоқот, кўп томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини мустақамлаш муҳимлиги таъкидланди. Стратегик шериклик ўрнатиш ҳақида қабул қилинаётган ҳужжат қондаларини амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Умуман олганда, Самарқанд саммити минтақанинг стратегик аҳамиятини янада ошириб, Европа Иттифоқи билан Марказий Осиё ўртасидаги муносабатларни мазмун ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга асос яратгани билан аҳамиятлидир.

**Рустам РАШИДОВ,
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти
бўлим бошлиғи, профессор**

ЎЗА

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ 150-ЮБИЛЕЙ АССАМБЛЕЯСИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИНГ УМУМБАШАРИЙ ЭЪТИРОФИ ИФОДАСИДИР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева билан суҳбат

Янги Ўзбекистон руҳи

5-9 апрель кунлари мамлакатимиз энг нуфузли парламентларо анжуманга мезбонлик қилади. Айни дамда дунё нигоҳи давлатимизнинг парламент дипломатиясидаги муваффақиятларига қаратилган. Қарийб бир ҳафта мобайнида юртимиз муҳим геосийсий марказ, йирик халқаро парламент тузилмаларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида глобал муҳокамалар майдонида айланади.



190 га яқин мамлакат парламентини бирлаштирган Парламентларо Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси. Бу шунчаки оддий анжуман эмас. Мазкур халқаро тадбирга мезбонлик учун парламентаризм ва барқарор ривожланишнинг ижобий таърибаси юқори бўлган мамлакатларгина танланади. Юртимизнинг бундай эътирофга сазовор бўлиши — қувончли ҳолат, бир вақтнинг ўзида катта масъулият ҳамдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева билан анжуман доирасида ўтказиладиган тадбирлар, уларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, Ўзбекистон учун халқаро майдонда очилаётган имкониятлар хусусида суҳбатлашдик.

— Парламентларо Иттифоқ ассамблеяси фаолияти тарихига назар ташласак, бу нуфузли ташкилот, энг аввало, халқчил ҳокимият ва халқ дардига қулоқ тутадиغان давлатчилик масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келаётганини кўраемиз. Шу жиҳатдан ассамблеянинг юбилей анжумани айнан мамлакатимизда ўтказиладигани бежиз бўлмас керак? — Хабарингиз бор, Ўзбекистоннинг Парламентларо Иттифоққа аъзоллиги 2017 йилда қайта тикланди. Орадан ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимиз парламентаризм ва барқарор ривожланиш йўналишларида муҳим таърибга тўлди, амалдаги ислохотлари билан эътироф этилди. Айниқса, бу борадаги ютуқларимиз халқаро ташкилотлар ва қатор хорижий давлатлар томонидан алоҳида эътироф этилаётгани эътиборга лойиқ деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, халқаро аҳамиятга эга бундай нуфузли тадбирнинг айнан юртимизда ўтказиладигани ўзига хос рамзий маънога эга. Бу Ўзбекистоннинг демократик бошқарув йўлидан ишонч билан илгарилартирди, сиз таъкидлаган халқчил парламент тизими ва фуқаролик жамиятининг изчил тараққиёти эътибордан далолат беради. Шу билан бирга, бу тадбир мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан танилганлигининг яққол тасдиғидир.

Агар эътибор берадиган бўлсак, Парламентларо Иттифоқ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишдир. Айни пайтда мазкур йўналиш янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти билан ҳам амбарчас боғлиқ. Сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон шайни ва қадр-қиммати, ҳуқуқ ҳамда эркинликларни, қонуний манфаатлари энг олий қадрият сифатида белгилаб олинди. «Одамлар ташвиши билан яшаш» тамойили давлат сиёсатининг бош мезонига айланди. Халқимизнинг қонуний талаб ва истакларини амалга ошириш, фуқаролар иродасини ҳаётга татбиқ этиш давлат органлари фаолиятини баҳолашнинг энг муҳим мезонига айланмоқда. Барча муҳим қарорлар аҳоли иштирокида, фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашув асосида қабул қилинмоқда.

Айнан шу жиҳатдан янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясининг ҳақиқий муаллифи халқнинг ўзи эканини яна бир бор эслаб ўтиш ўринали. Бу эса фуқаролар хоҳиш-иродаси ислохотлар пойдевори ва унинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганининг ёрқин исботидир.

«Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир». Янги таҳрирдаги Конституциянинг 7-моддасида ақл этган ушбу норма орқали Ўзбекистонда халқ ҳокимиятичилиги тамойили, яъни суверенитет ташувчиси ва давлат ҳокимиятининг ягона манбаи халқ экани теран ҳуқуқий мазмунда ифода этилиб, мустақкам қонуний асосга эга бўлди.

Яна шу моддада Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширишни тўғрисидаги норма ҳам белгилаб қўйилган. Ҳеч шубҳасиз, бу меъёрлар халқимиз хоҳиш-иродаси ва инсонларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Бугунги кунда Парламентимиз халқнинг сиёсий иродасини ифода этувчи чинакам демократик институт сифатида майдонга чиқмоқда. Унинг фаолияти доимо Президентимиз диққат марказида. Бу бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари парламент ишини чуқур

билан, 15 йил давомида депутат мақомида самарали фаолият юритган инсон сифатида унинг ҳар бир босқичидан яхши хабардор.

Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь кунли Олий Мажлиси таъриб тарихий Мурожаатномасидан сўнг парламент фаолиятида мулақо анги давр бошланди. Бугун эса парламентнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги ўрни ва таъсирини очик-ойдин кўриб турибмиз. Бу, албатта, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги сиёсий йўлидаги устувор мақсад ва вазифаларини амалга оширишда кенг жамоатчилик иштироки, ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминлаш учун мустақкам замин яратди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йиллар давомида халқаро парламент ташкилотлари ҳамда миллий парламентлар раҳбарлари билан жуда кўп бор учрашди, парламентларо ҳамкорликни кенгайтириш йўналишида қатор тақлиф ва ташаббуслар билан чиқди. Форум ва анжуманларга доимий равишда таъриб йўллаб, хорижий давлатларга расмий таърифлари чоғида ҳам парламент раҳбарлари билан алоҳида учрашувлар ўтказишни аниқлаштирди. Ҳар томонлама ҳамкорликни кўллаб-қувватлаётгани, шубҳасиз, Ўзбекистон парламентининг нуфузи ва халқаро майдондаги ўрнини мустақкамлашга хизмат қилмоқда.

Бу сўй-ҳаракатларнинг барчаси Президентимиз миллий парламентаризм, унинг ривожланиш салоҳияти ва давлат бошқарувидаги ўрнига чуқур ишонч билан ёндашишининг ёрқин ифодасидир. Зеро, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, «Кучли парламент ва халқ вакиллари оғралири — Янги Ўзбекистоннинг таянчидир».

— Эътирофли жиҳати, Президентимизнинг ташаббуслари туғайли парламентаризмнинг халқаро алоқалари географияси энгизил кенгайиб бормоқда. Бу орқали Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳақон миқёсида ҳимоя қилиш учун янги, раван ва мустақкам йўл очилаётганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

— Албатта, бугун хорижий давлатлар парламентлари билан ҳамкорлигимиз ҳавас қилгулик даражада. Халқаро парламентларо ташкилотлар фаолиятида Олий Мажлисининг фаол иштироки яққол сезилмоқда. Парламентимиз халқаро майдонда мамлакатимиз ташаббусларини эркин ва дадил илгари сурмоқда.

Утган йиллар мобайнида Олий Мажлисининг хорижий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорлик гуруҳлари ва комиссиялари фаолиятини жонлантириш, амалий алоқаларни кенгайтириш бўйича қатор самарали чора-тадбирлар олиб борилди. Ушбу гуруҳлар Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустақкамлаш, мамлакатимиздаги ислохотлар ҳақида жаҳон ҳамжамиятига ҳолис ва ҳаққоний ахборот етказиш, шунингдек, хорижий парламентлар билан таъриб алоқаси орқали ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, сўнгги теш йилда амалга оширилган шиддатли, кенг қамровли ва таъсирчан ислохотлар миллий парламентаризм тизимининг мустақкам пойдеворини яратди.

— Келинг, яна суҳбатимизнинг бош мазмунига қайтсак. Юртимизда бўлиб ўтган давлат ассамблея доирасида бутун дунё парламентлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва ўз таъриблари билан ўртоқлашди. Муҳокама этиладиган мазмулар орасида



қанчалик жиддий ва изчил қадамлар ташлаётганини яққол тасдиқлайди.

Айниқса, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя, камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар эътирофга муносиб десак, мулоҳаза бўлмайдими. Ҳақиқатан, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини давлат ижтимоий кўллаб-қувватлаш чоралари билан қамраб олиш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

«Камбағалликдан фарононлик сари» дастури доирасида ҳар бир фуқарони ўзи ва фарзандлари келажаги учун масъулият билан ёндашишга ундайдиган ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун имконияти яратиб ҳамда ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш қўламини кенгайтириш орқали оилаларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи сабабларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда ижтимоий ҳимоянинг мулоқо анги тизими яратилди. Соҳа тубдан ислоҳ қилиниб, ижтимоий ёрдамнинг аниқ, мақсадли ва манзиллигини таъминлашга қаратилган янги қадамлар ва механизмлар жорий қилинди. Миллий қонунийлик базаси мустақкамланди, халқаро стандартлар асосида тақомиллаштирилди. Халқаро ташкилотларнинг 13 та конвенцияси ратификация қилинди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш Миллий стратегияси, унинг мақсадли индикаторлари белгиланди. Соҳанинг институционал асослари ислоҳ этилди. Ижтимоий ҳимоя соҳасида давлат сиёсатини амалга оширадиган янги тузилма — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Жойларда «Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари иш бошлади. Бу институтлар ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни комплекс ёндашув асосида қўрсатиш, аҳолининг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш, ижтимоий ҳимоянинг манзиллигини ва самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Соҳада кенг қўламли ислохотлар бошланган даврдан бери камбағаллик даражаси деярли 3 баробарга қисқарди (23 фоиздан 8,9 фоизгача).

Ўзбекистон мазкур йўналишдаги амалий сўй-ҳаракатлари билан ижтимоий адолат ва муносиб меҳнат тамойилларини халқаро донорада ҳам дадил илгари суриб келмоқда.

БМТ бош қотиб томонидан илгари суринган «Иш ўрнларини яратиш ва ижтимоий ҳимоя глобал акселератори» ва Халқаро меҳнат ташкилоти бош директорининг Ижтимоий адолат учун глобал коалициясини ташкил этиш каби ташаббусларида мамлакатимиз биринчилардан бўлиб фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўтказиладиган Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳномалигида парламентларо ривожланиши, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг очиклик ва халқаро ҳамкорликка асосланган янги сиёсий йўлининг ёрқин ифодасидир...

— Илгарилари биз дунёга талпинар эдик. Бугун эса кўз ўнгимизда дунё Ўзбекистонга талпинмоқда. Бу ҳолат нафақат қувонарли, балки ҳар бир юртдошимизда фахр ва ҳаёжон туғувсини янада оширади. Бунинг яққол мисоли сифатида сўнгги уч йилда Самарқанд шаҳри мезбонлик қилган бир қатор халқаро анжуманларини, шу жумладан, куни кеча ўтказилган «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» биринчи саммити ҳам минтақанинг имижини, халқаро миқёсдаги эътирофини, деб ишонч билан айта оламиз.

5-9 апрелдаги тадбирлар давомида икки томонлама учрашувлар, келишувлар, йўл хариталари, халқаро битимлар, давлатлар ва парламентлар билан Ўзбекистон раҳбарининг ўзаро келишувлари белгиланган. Халқаро шартномаларнинг бажарилишида парламент иштироки масалалари кўриб чиқилди.

Конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Туркий давлатлар парламент ассамблеяси, Муствақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокидаги давлатларнинг Парламентларо ассамблеяси, Араб парламентларо иттифоқи, Европа парламенти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти парламент ассамблеяси, Осиё парламенти ассамблеяси, Африка ва Араб дунёсидаги парламент гуруҳлари ва унга тенгсизлаштирилган кенашлар уюшмаси каби қатор нуфузли ташкилотлар раҳбарлари, вакиллари иштирок этади.

Шу ўринда қалбимдан кўтарилган бир ҳисни айтмасам бўлмайдими. Биз шундай олиғ раҳбарга ҳар бир ижтимоий ҳимоя соҳасида фахрлансак арзийди. Бу ифтихорга сабаблар бисёр, албатта. Аммо айнан шу анжуман доирасида рўй бераётган бир ҳолатни сезилар билан саммит ила ўртоқлашимиз келди. 9 апрель кунли Президентимиз томонидан алоҳида чиқишлари режалаштирилмоқда.

Қизғини шундаки, ушбу учрашув эълон қилинган, кўллаб меҳмонлар, хорижий парламентлар ва делегация раҳбарлари ўз сафар режаларини ўзгартирди. Улар Президентимиз билан шахсан кўришиш, у кишининг нутқини тинглаш ва бевосита мулоқотда бўлиш иштирокида эканликларини билдирди. Бу эса Ўзбекистонга бўлган халқаро ишонч, давлатимиз раҳбари шахсиятига нисбатан юксак ҳурмат ва эҳтирорнинг ёрқин ифодасидир.

Жуда кўп хорижий парламентлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари Президентимиз билан учрашув истагини билдирди. Уларнинг «Дунёга қулоқ ёйиб, шаҳдам оқимлаётган юртингиз раҳбари билан бевосита суҳбатлашмоқчимиз, дилмиздаги тилакларни шахсан етказишни истаймиз», деган сўзлари барчамизни тўқилантириб юборди.

— Ижтимоий ривожланиш ва адолат учун парламент ҳаракати» ширин остида бўлиб ўтадиган ушбу халқаро анжуман мазмун ва аҳамияти Президентимиз таъкифига биноан танланган. Айнан шу борада, яъни ижтимоий тараққиёт, адолат ва халқ манфаатларини ифода этишда парламентнинг ўрни борасидаги Ўзбекистон таърибаси бутун дунёга тақдим этилаётганини ўзи катта фахридир. Шу ўринда табиий савол туғилади: умуман олганда, бундай халқаро анжуманларнинг аҳамияти нимада?

— Фикримиз баён этишдан олдин сезининг саволинингизга яна бир савол билан жавоб беришни истардим: бундай халқаро тадбирлар Ўзбекистонга нима беради? Айтиш лозимки,

бу нафақат юртимиз, балки бутун Марказий Осиё учун фахрли ва стратегик жараён. Зеро, биз бугун фақат миллий эмас, балки минтақавий миқёсда долзарблик касб этаётган муаммо ва масалаларга юз тутаятган мамлакатга айландик.

— Маня, яқинда — 31 март кунли Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон Президентлари Хўжад шаҳрида учрашиб, уч давлат чегарасининг туташ нуктасига оид шартномани имзолади. Бу ҳужжат нафақат давлатларо ишонч, балки минтақа келажаги бўлган умумий қарашини ҳам ифода этади. Шу ҳафтадаги яна бир муҳим воқеа — Самарқандда бўлиб ўтган «Марказий Осиё — Европа Иттифоқи» биринчи саммити. Унинг доирасида минтақа давлатлари раҳбарлари ва ЕИ етакчилари учрашиб, ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишни мақсад қилган.

Бундай ташаббус ва учрашувлар — азалий оруз-умидларимизнинг амалий ифодаси. Бу жараёнларда минтақа халқлари нафақат томошабин, балки сиёсий субъект сифатида қатнашмоқда. Марказий Осиё дунё олдига ўз юзи, ўз сўзи ва ўз йўли билан намоян бўлмоқда. Бу унинг янги ўзлиги шаклланаётганидан далолат беради.

150-ассамблея умумий мавзусига келсак, «Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати» деган ширин остида камбағалликни қисқартириш, муносиб меҳнат, ижтимоий интеграция ва аҳолининг қарорлар қабул қилишидаги иштирокини кенгайтириш каби кўллаб долзарб масалалар муҳокама қилиниши билан аҳамиятланибди. Сабаби кейинги йилларда дунёда юз бераётган турли глобал муаммолар туғайли кўллаб мамлакатларда камбағаллик ва тенгсизлик кучайиб бормоқда. Юзага келган вазият ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган зарур чораларни белгилаб олиш ва уларни амалга оширишнинг кўп қисмида долзарб бўлган минтақавий ва халқаро масалалар кўриб чиқилди.

Ассамблеянинг ялпи мажлислари, ихтисослашган органлари йилги йилгидаги муҳокама-илгари суриладиган илгир гоя ва ташаббуслар, қабул қилинадиган ҳужжатлар мана шу масалаларга мамлакатлар парламентлари эътиборини қулайтириш имконини беради.

— Танзила Камоловна, билишимизча, бу нуфузли сессияни бошқариш, яъни унга раислик қилиш сизга юклатилмоқда. Сир бўлмас, 150-юбилей ассамблея қайси тилда олиб борилади? Ўзбекистон Сенати раҳбари сессияни қайси тилда олиб бориши ҳаммани қизиқтиради, албатта...

— Биласизми, бунга айтиш, бу саволга жавоб бериш менга жуда катта фахр ва гуруҳ бағишлайди. Мен сессияларни Ўзбек тилида олиб бормоқчиман! Албатта, парламент иши 12 тилга таржима қилинади. Бу ташкилий ишлар юқори савияда бажарилади. Биз Президентимиз БМТ минбарига Ўзбек тилида нутқ сўзлаганда қанчалик гуруҳланган эдик. Юз юбилей сессия ҳам Ўзбек тилида бошқарилади. Бу шахсан меннинг ҳаётимда ҳам жуда катта из қолдирадиган воқеа бўлади. Бир ўзбек фарзанди, ўзбек аёли, шу юртининг, ўзбек миллатининг вакили сифатида менга улкан ифтихор бағишлайди...

— Албатта, мазкур халқаро анжуман шу юрт фуқароси сифатида ҳар биримиз учун муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Анжуман ишида муваффақиятлар тилаб қоламиз!

— Хусан ЭРМАТОВ суҳбатлашди.



Кун мавзуси



ЯНГИ УМИД ВА ИМКОНЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Юртимизнинг кўхна ва ҳамisha навқирон шахри — Самарқанд яна бир тарихий анжуманга мезбонлик қилди. Минг йиллар давомида илм-фан, санъат, фалсафа ва савдо маркази бўлиб келган мазкур шаҳарда ўтган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити чинакам тарихий аҳамиятга эга.



**Кўнғиротбой ШАРИПОВ,
олий таълим, фан ва
инновациялар вазири**

Илк бор Марказий Осиёнинг беш давлати ва Европа Иттифоқи раҳбарлари бир жойда йиғилиб, икки минтақа давлатлари стратегик шериклик муносабатларининг янги йўналишларини белгилаш йўлидаги азму қарор ҳозирги глобал геосиёсий бекарорлик, иқтисодий хавф-хатарлар ва экологик муаммолар ҳўкм сураётган давримизда мўҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур саммит доирасида Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен билан учрашуви Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик нафақат иқтисодий, балки сиёсий, маданий ва ижтимоий соҳаларда ҳам янги давр бошланётганини кўрсатади.

Европа Иттифоқи билан алоқаларни янги босқичга кўтариш, “яшил” энергетика, инновациялар ва рақамлаштириш каби замонавий йўналишларга эътибор қаратиш Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий рақобатга киришиши йўлидаги мўҳим қадамдир. Шунингдек, Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларини кўллаб-қувватлаши ва Марказий Осиёда қўшничилиكنи мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатини юксак баҳолаш Ўзбекистоннинг стратегик ривожланиш йўналишларини янада рағбатлантиришга хизмат қилади.

Давлатимизнинг иқтисодий ривожланиши ва келажаги учун энг мўҳим йўналишлардан бири — кадрлар тайёрлаш ва касбий таълим соҳасидаги ислохотлар тўғрисида сўз юртаканмиз, Европа Иттифоқи билан бир борда катта аҳамиятга эга дастурлар ва лойиҳалар амалга ошириляётганини қайд этиш лозим. Зеро, айнан шу ҳамкорлик мамлакатимиз касбий таълим тизимини модернизация қилишда жуда мўҳим.

Европа Иттифоқи томонидан молиялаштириляётган ва ЮНЕСКО томонидан амалга ошириляётган “Қишлоқ жойларда ёшларнинг ишга жойлашиш қобилиятларини ривожлантириш” лойиҳаси Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларидаги ёшларнинг меҳнат бозоридаги имкониятини кенгайтиришга қаратилган. Бу лойиҳа, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида иш ўринлари очиб ва касбий кўникмаларни оширишга кўмаклашади.

Сифатли кадрлар тайёрлаш, аграр соҳадаги иш ўринларини кенгайтириш, шунингдек, қишлоқ жойлардаги аҳоли учун янги иш имкониятлари яратиш лойиҳанинг асосий мақсадларидир. Лойиҳа доирасида ёшларга

Ушбу лойиҳа Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда таълим ва ишга жойлашиш тизимини сифат жиҳатидан тақомиллаштиришга ёрдам беради. Шунингдек, ҳар бир мамлакатда ҳамда минтақавий даражада инклюзив мулоқот ва ҳамкорлик механизмларини ривожлантиришга қаратилган. Бу ёшлар учун тенг имкониятлар яратиш ва меҳнат бозорига интеграциялашишни оsonлаштиради.

Бюджети 10 миллион евро бўлган мазкур лойиҳа COVID-19 пандемияси давридан кейин Марказий Осиёнинг тикланишига ёрдам бериш, касбий таълим ва ишга жойлашишни ривожлантириш орқали минтақадаги иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган.

Президентимиз Самарқанддаги “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити олдидан “Euronews” телеканалига берган эксклюзив интервьюсида Афғонистонга таълим соҳасида ёрдам беришни давом эттиришни мамлакатимиз учун биринчи гадаги вазифа деб таъкидлади. Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг Афғонистон билан таълим соҳасидаги ҳамкорлиги ҳамisha стратегик аҳамиятга эга бўлиб келган. Шу мақсадда амалга ошириляётган лойиҳалар, айниқса, афғон аёлларини ўқитиш орқали ижтимоий ва иқтисодий имкониятларини кенгайтириш гоят мўҳим.

БМТнинг Ривожланиш дастури (ПРООН) томонидан 2020 йилдан бошлаб

Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида университетларо алоқаларни ривожлантиришда “Эрасмус” Европа таълим дастурининг кўшма лойиҳаларида иштирок этиш алоҳида ўрин тутати. Кўп йиллар давомида Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон университетлари Европа Иттифоқининг кўллаб-қувватлашга қаратилган ҳамкорликдаги ишларини алоҳида таъкидламоқчиман. Биз мамлакатларимизда етакчи миллий ўқув муассасаларининг филиалларини очяптим.

“Эрасмус+” дастури олий таълим муассасалари талабалари, докторантлари, ўқитувчилари ва ходимлари учун икки томонлама академик алмашинув дастурлари, кундузги магистратура ва докторантура йўналиши бўйича Европа университетларида қисқа муддатли ўқиш ёки кўшимча малака ошириш курсларини ўташ учун қатор имкониятларни тақдим этиб келмоқда. Европа университетлари билан ҳамкорликда мамлакат ОТМлари жамоалари салоҳиятини ривожлантириш лойиҳаларида иштирок этиши мўмкин.

“Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитида давлатимиз раҳбари инсон капиталига йўналтириляётган инвестициялар икки минтақа ҳамкорлигини ривожлантиришда мўҳим ўрин тутушига алоҳида ургу бери. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича “Эрасмус+” дастури доирасида минтақа мамлакатлари учун махсус квоталар жорий этилиши ушбу мақсадга эришишга хизмат қилади. Бундан ташқари, Президентимиз Марказий Осиё мамлакатлари билан илмий-таълимий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистонда “Уфқ — Европа” дастури офисини очишга тайёр эканини билдирди.

Сунъий интеллект, “катта маълумотлар”, рақамлаштириш ва космик тадқиқотлар соҳасида илмий-технологик алмашинув бўйича кўшма дастур ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди. Бундан ташқари, давлати-



ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН КЕЛАЖАК



**Соҳибжон ТОПИЛДИЕВ,
иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор**

Европа кенгаши Президенти Антониу Коштанинг таъкидлашича, айни пайт тартибсизлик ва бўлиниш кучайган дунёда яшашимиз. Бундай вақтда Европа Иттифоқи учун ягона тўғри йўл мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш орқали тинчлик ва фаровонликни таъминлашдир.

— Кўп кўтбли дунё шароитида янада фаол ва аник мақсадга йўналтирилган ҳамкорлик зарур, — дейди Антониу Кошта. — “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити халқаро ҳўқуқ мезонига тўлиқ риоя қилган ҳолда тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ривожланиш йўлидаги шерикликни мустаҳкамлашга нисбатан қатъий қарашимизни тасдиқлайди.

Сўнги йилларда Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи юқори даражадаги муносабатни фаоллаштирди. Европа дипломатияси раҳбари Жозеп Боррель Марказий Осиё — Европа Иттифоқи инвесторлари форумида ўтмишдаги қарамликни енгиб ўтиш ҳамда энергия ва таъминот занжирларида мўқобил вариантларни топшиш учун минтақалар ўртасидаги амалий алоқаларга кўпроқ сармоя киритиш кераклигини айтди.

Геосиёсий вазият тез ўзгараётган ҳозирги шароитда Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи муносабатлари стратегик жиҳатдан тобора мустаҳкамланиб, минтақалар иқтисодий барқарорлигини таъминлашда мўҳим аҳамият касб этмоқда. Буни давлатимиз раҳбарининг Самарқандда 3-4 апрель кунлари бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити олдидан “Euronews”га берган эксклюзив интервьюсида айтган фикрлари ҳам яққол тасдиқлайди. Зеро, интервьюда қайд этилганидек, “Ўзбекистон Италия, Венгрия ва Франция билан стратегик шериклик ўрнатди. Германия ва Марказий Осиё мамлакатлари эса минтақавий стратегик шерикларга айланди. Бугун Европа Иттифоқи Марказий Осиё давлатлари билан савдо ва инвестиция алоқаларини изчил ривожлантирмоқда. Охириги етти йилда Марказий Осиё мамлакатларининг ЕИ билан савдо айланмаси тўрт баробар ошиб, 54 миллиард еврони ташкил этди”.

Самарқанд саммитида эришилган келишувлар айни мақсад — минтақаларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, минтақавий шериклик ривожига янги суръат бағишлаши билан аҳамиятли бўлмоқда.

2023 йил октябрида Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари минтақаларо сиёсий мулоқот, савдо, энергетика ва хавфсизлик каби соҳаларда алоқаларни чуқурлаштириш бўйича “йўл харитаси”ни тасдиқлаганди.

Европа дипломатияси раҳбарининг сўзларига кўра, ҳақиқий ҳамкорлик ўрнатиш учун фақат ҳўкумат амалдорлари ўртасидаги келишувлар етарли эмас, одамлар ўртасидаги алоқалар ҳам мўҳим.

— Биз чегараларни енгиб ўтишимиз керак. Нариги тарафдаги одамлар билан алоҳида бўлиш учун чегаралардан ташқарига чиқишимиз лозим, — дейди у. — Чегаралар бўлин, ammo биз уларни кўрмайлик. Европа Иттифоқида айнан шу ҳолат бўлмоқда. Бугун Гибралтардан Хельсинкига боришда кўплаб чегаралар бор. Лекин тўхташнинг шарт эмас. Ҳеч ким “Сиз кимсиз? Қаерга кетяпсиз? Жомадонингизни очинг, қоғозларингизни кўрсатинг”, демайди. Чегаралар мавжудлигича қолади, лекин сиз уларни кўрмайсиз. Саёҳат ва алмашинув анча оson ва фойдали бўлади. Чегараларни шаффоф қилиш — бугун дунё қила оладиган иш. Шунда одамлар, товарлар ва хизматлар бир мамлакатдан бошқасига имкон қадар оson ўтиши мўмкин.

1963 йилдан бери ўтказиб келинаётган Мюнхен хавфсизлик конференцияси халқаро сиёсатни мўҳокама қилиш ва энг долзарб глобал муаммоларни ҳал этишга қаратилган дипломатик ташаббусларни тақдим этилган етакчи форумдир. У давлат ва ҳўкумат раҳбарлари, вазирлар, халқаро ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, шунингдек, саноат, оммавий ахборот воситалари, илмий диоралар ҳамда фуқаролик жамияти етакчиларини бир жойда тўплайди.

Жорий йил 14-16 февраль кунлари “Кўп кўтблилик” широи остида 61-Мюнхен хавфсизлик конференцияси бўлиб ўтди. Форумда 60 га яқин давлат ва ҳўкумат раҳбарлари, 150 дан ортик ташқи ишлар ҳамда мудофаа вазирлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар масъуллари тўпланди. Конференцияда 800 дан зиёд киши, жумладан, экспертлар, бизнес ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда бугун Марказий Осиё минтақаси дуч келаятган иқлим муаммоларига ҳам эътибор қаратилди. Сўнги 30 йилда бу ерда ҳарорат жаҳон бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан икки баробар тез кўтарилиб, 1,5 даража ошган. Форумда иқлим ўзгаришлари Марказий Осиё давлатлари учун жишдий хавф тўғдираётгани таъкидланди. Унинг асосий омиллари сифатида ерининг жадал деградацияси (ҳудуднинг 37 фоизи зарар кўрган), музликлар эриши (уларнинг ҳажми сўнги 50-60 йилда 30 фоиз камайган) ва сув танқислигининг кучайиши экани айтилди.

2050 йилга бориб, минтақа аҳолисининг 100 миллиондан ошиши кутилаятгани вазиятни янада мураккаблаштирмоқда. Жаҳон банки прогнозига кўра, ушбу омилларнинг

умумий таъсири минтақада қишлоқ хўжалиги эканлиги ҳосилдорлигининг 30 фоиз пасайишига олиб келиши мўмкин.

Тадқиқотчиларнинг таъкидича, аҳволнинг бундай жишдийлигига қарамай, Марказий Осиё мамлакатлари узок вақт экологик муаммоларни бирга ҳал этиш учун биришишга тайёр эмас эди. Бугун вазият тубдан ўзгарди, шубҳа-ғумонлар ва носоглом рақобат ўрнини ишонч, ўзаро тушуниш ва минтақанинг умумий муаммоларига бирга ечим излашга интилиш эгаллади.

Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсий концепцияси бу борада салмоқли ўрин тутмоқда. Бу минтақани жишлаштиришнинг асосий омил бўлиб, давлатларнинг ҳамкорликнинг ноёб моделини шакллантиришга хизмат қилди.

Минтақада иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича сай-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш мақсадида сув-иқлим мулоқоти йўлга қўйилди. Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети — Green University очилди. “Яшил кун тартиби” дастури тасдиқланди ҳамда иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича стратегия қабул қилинди.

Шу билан бирга, мамлакатлар халқаро майдонда ўз сай-ҳаракатларини мувофиқлаштирмоқда. БМТнинг Дубайдаги иқлим саммити доирасида Марказий Осиёнинг барча давлатлари иштирокида “5 мамлакат — 1 ҳудуд — 1 овоз” Марказий Осиё минтақавий павильони ташкил этилди. У минтақанинг янги овозини илгари суришга хизмат қилди.

Миллий миқёсдаги сай-ҳаракатлар ҳақида гапирар эканмиз, Ўзбекистон ресурсларини тежайдиган, “яшил” ривожланиш моделига ўтиш орқали экологик барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашни стратегик мақсад қилган. Мамлакатда суғориладиган ерининг қарийб 2 миллион гектариди сувни тежайдиган технологиялар жорий этилган. Бу қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган майдоннинг 46 фоизидир.

Бундан ташқари, сўнги беш йилда Ўзбекистонда 9,6 гигаваттлик замонавий энергия қувватлари ишга туширилди. 2030 йилга бориб қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 16 фоиздан 54 фоизгача етказиш режалаштирилган.

Умуман олганда, минтақада сув-энергетика соҳасига сармоя, инновация ва технологияларнинг жалб этиш, шунингдек, соҳа мутахассисларини тайёрлаш устувор вазифалар бўлиб қолмоқда. Бу каби иқлим ўзгаришлари масалалари Самарқандда бўлиб ўтаётган иккинчи йирик халқаро анжуман — Марказий Осиёнинг глобал иқлим муаммоларига бағишланган конференцияда мўҳокама қилинмоқда. Конференция доирасида 4 апрель кунини ўтказилган мулоқотлардан шундай хулоса қилиш мўмкинки, Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши курашда минтақа ва халқаро ҳамкорларнинг сай-ҳаракатларини янада ривожланишига хизмат қилади, ўртадаги масофани яқинлаштиради.



“Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитида давлатимиз раҳбари инсон капиталига йўналтириляётган инвестициялар икки минтақа ҳамкорлигини ривожлантиришда мўҳим ўрин тутушига алоҳида ургу бери. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича “Эрасмус+” дастури доирасида минтақа мамлакатлари учун махсус квоталар жорий этилиши ушбу мақсадга эришишга хизмат қилади.

УШБУ МАҚОЛНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



аграр соҳадаги замонавий технологиялар ва таълим дастурларини ўргатиш, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш ва иш билан таъминлаш бўйича кўплаб дастурлар ишлаб чиқилган. Бу дастурлар, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги, аграр корхоналар ва иқтисодий ривожланиш соҳаларида янги имкониятлар яратади, шунингдек, ёшлар учун меҳнат бозорида янги йўналишларни очиб беради.

Европа Иттифоқининг кўллаб-қувватлови билан Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистондаги ёрқин лойиҳалардан яна бири — “DARYA” (“Марказий Осиё ёшлари учун мулоқот ва амалий қадамлар”). У Европанинг Марказий Осиё тарихидаги биринчи минтақавий дастури бўлиб, ёшларнинг меҳнат бозорига кириши, малака ошириши ва ижтимоий жамиятга интеграцияси имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Лойиҳа 2022-2027 йилларга мўжлалланган. Европанинг таълим жағфармалари томонидан амалга оширилади.

амалга ошириляётган “Афғон аёлларининг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга орқали таълим олиш” лойиҳаси айнан шу мақсадни кўзда тутган эди. Лойиҳа Қозғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистонда амалга оширилиб, афғон аёлларига замонавий таълим бериш орқали уларнинг меҳнат бозорига кириши ва касбий малака оширишини таъминламоқда. Лойиҳа доирасида 10 афғон аёли агрономия йўналиши бўйича Тошкент давлат аграр университетида ўқиб, диплом олди. Ушбу лойиҳа Қозғистон ва Қирғизистонда ҳам амалга оширилиб, умумий ҳисобда 50 аёл олий маълумотли бўлди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичи 2022 йилдан бошланди. Бу босқичда 30 афғон аёл-қиз учун тўлиқ стипендия ажратилганга қарамай, Афғонистондаги кескин вазият туфайли атиги 19 афғон аёли Тошкент давлат иқтисодиёт университетида агробизнес йўналиши бўйича ўқитилди.

миз раҳбари минтақа мамлакатларини Европанинг рақамли таълим соҳасидаги Ҳаракатлар дастурига киритиш, шунингдек, етакчи олий таълим муассасалари ўртасида шерикликнинг “йўл харитаси”ни амалга ошириш бўйича тақлифлар билдирди.

“Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити таълим, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш учун катта имкониятлар эшигини очмоқда. Бу саммитда мўҳокама этилган янги лойиҳалар иштирокчи давлатлар учун нафақат ишончли, балки ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосини мустаҳкамлайди. Саммитда кўриб чиқилаётган лойиҳалар, аник мақсадларга эришиш ва истиқболдаги тараққиётни таъминлаш учун янги умидлар уюғотилади. Шу орқали Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида барқарор ҳамкорлик, умумий манфаатлар ва ишончга асосланган тўғри йўлни танлашга интилиш ҳисси янада мустаҳкамланади.

Боррелнинг таъкидлашича, ҳудудларнинг алоқдорлигини ошириш учун инфра-тузила яратиш зарур. Бу иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, қолаверса, бир хил қадриятларни ҳимоя қилиш орқали ҳамкорликни кенгайтирувчи ҳамда фаровон келажакни таъминловчи сиёсий мақсадга хизмат қилади.

— Бугунги мураккаб геосиёсий шароитда Марказий Осиё бизнинг энг мўҳим ҳамкоримизга айланди. У чекка ҳудуд бўлиб туялганди, ҳозир эса сиз ҳамма нарсанинг марказидасиз. Сиз Европа ва Осиё ўртасидаги тамал тоғишиз. Европа ва Осиё ўртасидаги барча мўҳим нарсалар сиздан ўтади. Шунинг учун ҳам ҳамкорлик биз учун жуда мўҳим, — деди Жозеп Боррель.

Дипломатнинг кўшимча қилишича, хавфсизлик ва коммуниқациялар, энергия ва ресурсларни диверсификация қилиш нуктаи назаридан шерикликни иқтисодий хавфсизликни оширадиган тарзда мустаҳкамлаш зарур.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бутунги кунда долзарб экологик муаммолар, хусусан, ҳудудларни янада кўчаломзорлаштириш, иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларини бартараф этиш, чиқиндилар билан ифлосланишни камайтириш каби масалаларга катта эътибор қаратилмоқда. Кунги кеча Президентимиз Самарқанд халқаро иқлим форумида Орол денгизи қуришининг оқибатларини юмшатиш, сувдан оқилона фойдаланиш, “тоза” энергия манбаларини кенгайтириш дастурлари доирасида Европа томони билан муваффақиятли ҳамкорлик қилинаётгани, бундай шериклик Марказий Осиёнинг барқарор “яшил” тараққиётига муҳим ҳисса қўшишини таъкидлади.

АВЛОДЛАРНИНГ ХАВФСИЗ ВА ЁРҚИН ЭРТАСИ УЧУН



Наим ОБЛОМУРОДОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Президентимизнинг жорий йил 28 мартдаги “Орол маданият саммитини юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги қарорига кўра, 2025 йилдан ҳар 18 ойда — баҳор ёки куз фаслларида Орол маданият саммити ўтказиб борилади. Биринчи Орол маданият саммити Самарқанд иқлим форуми билан уйғун ҳолда Самарқанд ва Нукус шаҳарларида юқори савияда ташкил этилди.

БМТнинг 2023 йил Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган конференциясида Ўзбекистон томонидан Орол маданият саммити лойиҳасини амалга ошириш ташаббуси илгари сурилган. Чунки Орол тақдирини фақат бизгагина эмас, балки бутун халқаро ҳамжамиятга дахлдор масала.

Конференция доирасида Орол маданият саммити лойиҳасининг тақдимоти ўтказилган. Бу маҳаллий ва халқаро ҳамжамият, етакчи олимлар, архитекторлар, рассом ва дизайнерларни бирлаштирадиган янги институт ҳисобланади. Орол маданият саммити доирасида ёш авлодни минтақадаги вазиятни яхшилашга ҳисса қўшадиган кўникмаларни шакллантиришга ундайдиган таълим ва алмашинув дастурлари, стипендиялар ва стажировкалар, биодизайн ферма-лабораторияси ташкил этилади. Минтақани сув билан таъминлаш, янги экин турларини яратиш, шунингдек, ҳудудда шўрланганини камайтириш бўйича турли технологиялар ўрганилади ва ишлаб чиқилади.

Саммит ижодкорларни маҳаллий фермерлар билан бирлаштириб, янги ўсимликлар етиштириш учун биодизайн соҳасида

барқарор алоқаларни ўрнатиш ва шу орқали келгуси 10 йилга мўлжалланган стратегия режани ишлаб чиқиши маълум қилинди.

Саммитнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти конференция доирасида ўтган “Сув ҳамкорлик учун: сув ресурслари соҳасида трансгегаравий ва халқаро ҳамкорлик, сув соҳасидаги тармоқлараро, шу жумладан, илмий алоқалар ҳамда 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш кун тартибининг сувга оид мақсадларига эришиш” мавзусидаги сессияда батафсил очиб берилган.

Юртимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўз борганда, минтақани молиялаштириш, иқтисодий салоҳиятини ошириш, асосийси, аҳолининг саломатлигини тиклаш, ҳудудда яшил боғларни яратиш учун 14 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилганини эътироф этиш жоиз.

Орол бўйида экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, денгиз қуришининг салбий оқибатларини юмшатиш борасидаги ишлар ҳеч қачон тўхтагани йўқ. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Экология ва атроф-муҳитни асраш, сув тақчиллигининг олдини

биз учун бошқаларга қараганда ниҳоятда долзарб ва муҳимдир. Нега деганда, биз дунёдаги энг катта экологик офат — Орол фожиясини бевосита ўз бошидан кечираётган халқмиз. Шунинг учун ҳозирги вақтда республикамизда бебаҳо экотизимни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли дастурлар, жумладан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Биз келгусида бу ишларни янада жадал давом эттирамиз. Янги қуриладиган саноат корхоналари лойиҳаларида бу масала бўйича қаттиқ назорат ўрнатилади. Орол бўйи минтақасидаги экологик вазиятни яхшилаш учун ҳам барча зарур чора-тадбирларни кўрамиз”.

Орол денгизининг суви қуриган тубида ва Орол бўйи ҳудудларида “яшил қоплама”лар барпо этиш, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ерларни ўзлаштириш, томчилашиб сугорил тизимини яратиш ишлари, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурлари самарали амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, ҳудудда кум кўчкларининг олдини олиш, Оролнинг қуриган қисмидан ҳавога захарли аэрозол чанглари кўтарилишини камайтириш, чўл шaroитига чидамли ва озуқа ўсимликларини



снинг 2021 йил 18 майдаги “Орол бўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги қарори ҳудуд тараққиётига муҳим ўрин тутди. Мазкур ҳужжат билан 2021-2024 йилларда Орол бўйи минтақасига иқтисодий тармоқларидан ресурслар тежовчи ва юқори самарага эга замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш, экологик барқарорликни таъминлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва илмий-инновацион ишланмаларни амалиётга жорий қилиш, шунингдек, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” ҳамда устувор инновацион лойиҳалар рўйхати тасдиқланди.

“Йўл харитаси”нинг 7 йўналишидаги 71 та тадбир учун турли манбалардан 312 миллиард сўм, 22,2 миллион АҚШ

оғирлаштирувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

Шўрланган шaroитида биодехончилик халқаро маркази — ИСБнинг молиявий кўмағида Орол денгизининг қуриган тубидан 10 хилдан ортиқ туپроқ турларини бир жойга тўплаш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадида лизиметрик тадқиқот майдончаси барпо этилди ва тадқиқот ишлари бошланди.


Канада маҳаллий ташаббуслар фонди — СФПнинг молиявий кўмағида “Орол бўйи аҳолисининг атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларига мослашиш масалалари бўйича хабардорлигини оммавий ахборот воситалари ёрдамида ошириш” лойиҳаси бажарилди. Натжидада Орол денгизи ҳавасида 1 миллиондан ортиқ аҳолининг иқлим ўзгаришига мослашиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги хабардорлиги сезиларли даражада кучайишига эришилди.

Орол денгизининг қуриши Марказий Осиёнинг экологик ҳолатига жиддий таъсир кўрсатиб, минтақавий ҳамкорликни кучайтириш заруратини юзага келтирди. Орол бўйи экологик инқирузи муаммоларини муҳокама қилиш ва ҳал этиш учун турли халқаро анжуман ва саммитлар ўтказилмоқда. Жумладан, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ташкил этилган форумлар экологик барқарорликни таъминлаш ва ҳудудда яшовчи аҳолининг турмуш шaroитини яхшилашга қаратилган узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнамоқда.

Кўёш ва шамол энергетикасидан фойдаланиш кенгайтиришда, бу эса ҳудуднинг экологик барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундай ташаббуслар натжидада аҳолининг экологик тафаккури ўзгариб, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга эътибори ортиб бормоқда.

Орол бўйи минтақасида экотуризм ва маданий туризм учун катта салоҳиятга эга. Сўнгги йилларда бу йўналишда қатор муҳим ташаббуслар амалга оширилди. Денгизнинг қуриган ҳудудида экотуризм маршрутлари ташкил қилинмоқда. Жумладан, “Орол мўъжизаси” лойиҳаси доирасида экологик саёхатлар йўлга қўйилди. Маданий меросни сақлаш ва тарғиб қилиш, Орол бўйи ҳудудидаги қадимий шаҳарларга экскурсиялар уюштириш, халқ амалии санъати устaxonаларини ривожлантириш ва туристик йўналишларини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Орол бўйи минтақасининг экологик ва маданий меросини оммалаштириш учун халқаро фестиваллар ташкил этилмоқда.

Саммит ва халқаро форумлар ёрдамида экологик тикланиш, илмий ҳамкорлик ва маҳаллий аҳолини қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда. Одамларнинг экологик маданияти ошиб, экотуризм ва маданий меросни асраш бўйича янги ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу эса Орол бўйининг нафақат экологик тикланиши, балки ижтимоий-иқтисодий барқарорлигига ҳам хизмат қилади, албатта.



олиш бундан буён ҳам биз учун долзарб вазифа бўлиб қолади. Биз, ҳеч шубҳасиз, экологик мувозанат, мусавфо ҳаво, тоза сув, безавол табиат тарафдоримиз. Бу масала

етиштириш, денгизнинг қуриган қисмини даракхтор ва бутазорларга айлантириш юзасидан салмоқли ишлар бажарилди.

Сўнгги йилларда Фавқуллода вазиятлар вазирилиги, Урмон хўжалиги агентлиги ва бошқа идоралар ҳамкорлигида Орол бўйининг 2 миллион гектардан ортиқ чўл ҳудудларида кургоқчиликка чидамли ўсимликлар экилган.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирилиги, БМТ Тараққиёт дастури ва Глобал экологик фондининг қўшма “Орол денгизи ҳаваси ландшафтнинг таназзул ерларида барқарор ҳаётни таъминлашни қўллаб-қувватлайдиган асос сифатида кўллар, сув-ботқоқ ва қирғоқ бўйи ҳудудларини сақлаш ҳамда бошқариш” ҳамкорлидаги лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Денгиз қуриши оқибатларини бартараф этиш ҳамда сайёҳлар сонини кўпайтиришга қаратилган “Оролдаги боғим” лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилган. Унда, асосан, Орол атрофида кўп йиллик бута ва ўсимликлар, жумладан, саксовуллар экилади. Шу пайтга қадар лойиҳа доирасида 15 мамлакатда 8 минг нафар кўнгилли томонидан миллион тупдан ортиқ даракхтор экилд.

Давлатимиз раҳбарининг “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблея-

“**Саммит ва халқаро форумлар ёрдамида экологик тикланиш, илмий ҳамкорлик ва маҳаллий аҳолини қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда. Одамларнинг экологик маданияти ошириш, экотуризм ва маданий меросни асраш бўйича янги ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу эса Орол бўйининг нафақат экологик тикланиши, балки ижтимоий-иқтисодий барқарорлигига ҳам хизмат қилади, албатта.**

доллари, 6 миллион евро маблағлар сарфланиши, шу билан бирга, қарорда 2021-2024 йилларда бажарилиши режалаштирилган 65 та устувор инновацион лойиҳа учун турли манбалардан 1,9 триллион сўмга тенг маблағ жалб қилиниши, натжидада 4,5 мингта иш ўрни яратиши белгиланди.

Бутунги кунга келиб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатга оқилона муносабатда бўлиш, флора ва фауна оламни асраб-авайлаш, глобал экологик инқирузга йўл қўймастик инсоният олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу вазифани бажариш эса ҳамжамиятликни талаб этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 январдаги тегишли қарори билан Орол бўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш концепцияси тасдиқланди. Концепцияда қайд этилишича, иқлим ўзгариши минтақада ижтимоий-иқтисодий, экологик ва соғлиқни сақлаш тизимидоги долзарб муаммоларни янада



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақлалади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРК” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Бурутма** Г-446. 36811 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусахҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаева

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй